

РУЙХАТГА ОЛИНДИ

№ 538

2019 йил « 08 » навоб

АТ «Алоқабанк» Кенгашининг
2019 йил « 08 » « навоб » даги
69-сонли баённомасига
3 илова

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК» ДИВИДЕНД СИЁСАТИ
(Янги тахрирда)

Тошкент – 2019 йил

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК»
ДИВИДЕНД СИЁСАТИ
(Янги таҳрирда)

МУНДАРИЖА

I. Умумий қисм.....	3
II. Дивидендлар тўлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш.....	4
III. Дивидендлар тўлаш тартиби ва муддатлари.....	5
IV. Эълон қилинган дивидендлар тўлови учун жавобгарлик.....	7
V. Дивиденд тўлашда бухгалтерия амалиётлари.....	8
VI. Яқуний қоидалар.....	8

I. Умумий қоидалар

1.1. «Акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг Дивиденд сиёсати» (бундан буён матнда «Сиёсат» деб юритилади) «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Қимматли қозғалар бозори тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» (янги таҳрирда) Ўзбекистон Республикаси қонунига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, АТ «Алоқабанк» устави, Корпоратив бошқарув Кодекси ва АТ «Алоқабанк»нинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Мазкур Сиёсат АТ «Алоқабанк» (бундан буён матнда «Банк» деб юритилади) Банkning инвестицион жозибadorлигини ошириш, молиявий барқарорлигини ва капиталлашуви даражасини ўсишини, Банк акциядорларнинг ҳуқуқлари ва амалдаги қонунчилик доирасидаги қонуний манфаатларини фаровонлигини оширишни таъминлашга қаратилган.

1.3. Агар Банк акциядорларига дивидендлар тўлаш билан боғлиқ қайсидир масалалар Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларининг ҳимояси тўғрисида»ги Қонуни нормалари билан, Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатлари билан Банк устави ва ушбу Сиёсат билан тартибга солинмаган бўлса, ундай тақдирда улар акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш заруратидан келиб чиқиб ҳал қилинади.

1.4. Банк капиталлашувнинг ўсишига акциядорларнинг Банк акцияларидан даромадлар чиқариш бўйича мулккий манфаатларини қондиришнинг асосий усули сифатида қарайди. Сиёсат Банк томонидан олинган фойданинг истеъмол қилинадиган ва акцияларнинг бозор баҳосини ошириш мақсадида капиталлаштириш ўртасидаги нисбатни мақбуллаштиришдан иборат.

1.5. Банkning Сиёсати қуйидаги асосий тамойилларга асосланади:

а) **шаффофик тамойили**- бунда дивиденд сиёсатини амалга оширишда иштирок этаётган томонларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги тўғрисидаги, шу жумладан, дивидендлар тўлови ва миқдори хусусида қарор қабул қилиш тартиби ва шартлари борасидаги ахборотларни аниқлаш ва ошқор этиш назарда тутилади;

б) **ўз вақтидалик тамойили** - дивиденд тўловларини амалга ошириш чоғида вақт чегараларини ўрнатишни назарда тутати;

в) **асосланганлик тамойили** - бу дивидендлар тўлови ва миқдори тўғрисидаги қарор, фақат Банк томонидан тараққиёт режалари ва унинг инвестициявий дастурларини инobatта олган ҳолда, ижобий молиявий натижаларга эришилган тақдирдагина қабул қилиниши мумкинлигини аниқлатади;

г) **адолатлилик тамойили** - акциядорларнинг дивидендлар тўлови, миқдори ва тўлаш тартиби тўғрисида қабул қилинадиган қарорлар борасидаги ахборотларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларини таъминлашни аниқлатади;

д) **изчиллик тамойили** - дивиденд сиёсати процедуралари ва тамойилларининг ижро этилишини аниқлатади;

е) **ривожланиш тамойили** - корпоратив бошқарув процедураларини яхшилаш ва Банkning стратегик мақсадлари ўзгариши муносабати билан унинг

қоидаларини қайта кўриб чиқиш доирасида Сиёсатни доимий такомиллаштиришни кўзда тутади;

ж) **барқарорлик тамойили** - Банкнинг дивиденд тўловларининг турғунлик даражасини таъминлашга интилишини англатади.

1.6. Қуйидаги акциялар бўйича дивидендлар ҳисобланмайди ва тўланмайди:

а) муомалага чиқарилмаган (жойлаштирилмаган);

б) Банк балансига сотиб олинган ва/ёки пул тўлаб қайтариб олинган;

в) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

II. Дивидендлар тўлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш

2.1. Банк жойлаштирилган акциялар бўйича молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойлиги натижалари бўйича ва (ёки) молиявий йил натижалари бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул (эълон) қилиш ҳуқуқига эга.

2.2. Банкнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор (эълон) тегишли давр яқунлангандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

2.3. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Банк Кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

2.4. Жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул (эълон) қилиш Банкнинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи ҳисобланади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

2.5. Эълон қилинган дивидендларни тўлаш Банкнинг мажбурияти ҳисобланади. Дивидендларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, солиқларни ҳисоблаш ва ушлаб қолиш, дивидендларни кўчириш харажатлари, почта харажатлари), Банк бошқарув органларининг қарори билан дивидендлар олувчи акциядорнинг зиммасига юклатилиши мумкин эмас. Банк ушбу мажбуриятни бажармаганлик учун акциядорлар олдида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

2.6. Банк қуйидаги акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул (эълон) қилиш ҳуқуқига эга эмас:

а) Банкнинг жами фонди (устав капитали) тўлиқ тўлангунга қадар;

б) агар бундай қарор қабул қилинадиган кунда Банкнинг соф активлари қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса;

в) Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамятлари ва акциядорлар ҳуқуқларининг ҳимояси тўғрисида»ги Қонунининг 41-моддасига

биноан пул тўлаб қайтариб олинishi лозим бўлган акциялар тўлиқ пул тўлаб қайтариб олингунга қадар;

г) пруденциал нормативлар Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда ёки улар мазкур тақсимлаш оқибатида бузилганда;

д) ночорлик (банкротлик) бўлганда ёки мазкур тақсимлаш оқибатида ночорликнинг (банкротликнинг) аломатлари юзага келганда;

е) Марказий банкнинг ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмасида акс эттирилган, шу жумладан ахборотни ошкор этиш борасида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганда ёки уларни бартараф этиш имконияти мавжуд бўлмаганда;

ж) Марказий банкнинг фойдани тақсимламаслик тўғрисида Банкка нисбатан талаби мавжуд бўлганда;

з) қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

2.7. Банк акциядорларга дивидендлар тўлаш, шунингдек банкнинг кузатув кенгаши, бошқаруви аъзолари ва ходимларини мукофотлаш умумий суммаси банкнинг ўз капиталининг ўн фоизидан ортганда ҳамда жорий ёки ўтган чорақда ва (ёки) молия йилида зарар мавжуд бўлганда фойдани тақсимлаш учун Марказий банкнинг розилигини олиши керак.

2.8. Банк молиявий йил натижалари бўйича ва оралиқ дивиденд тўланаётган давр учун молиявий ҳисоботининг тўғрилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда ҳамда капитални оширишга ажратмалар амалга оширилгандан сўнг акциядорларига дивидендлар тўланади.

2.9. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш учун шакллантирилган Банк акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

III. Дивидендлар тўлаш тартиби ва муддатлари

3.1. Дивидендлар банк тасарруфида қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар банкнинг махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан тўланиши мумкин.

3.2. Дивидендлар тўлаш вақтида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда Банк мазкур акцияларни сақловчиларга дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Банк етарли миқдорда фойдага эга бўлмаса ёки зарар кўриб ишлаган бўлса, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар ана шу мақсад учун ташкил этилган жамият захира фонди ҳисобидан ва ана шу фонд доирасидагина тўланиши мумкин.

3.3. Банк дивидендларни пул воситалари билан ёки тўловнинг бошқа қонуний воситалари билан ёхуд Банкнинг қимматли қоғозлари билан тўлайди. Эълон

қилинган дивидендлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида тўланади ёки акциядор - Ўзбекистон Республикаси норезидентнинг ёзма талаби бўйича Банк унга ҳисобланган дивидендларнинг эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор томонидан тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт.

3.4. Дивидендларни тўлаш муддати акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади, бироқ умумий йиғилиш томонидан дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 (олтмиш) кундан ошмаслиги лозим.

3.5. Агар Банкнинг қимматли қоғозлари эгалари ҳисобланган дивидендларни акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда ололмаган бўлсалар, Банк бундайин (олинмаётган) дивидендларни тўлашда давом этади. Олинмай ётган дивидендларни тўлаш даври Банк томонидан эълон қилинган дивидендларни тўлаш бўйича мажбуриятини ижро этиш муддати тугаган санадан бошлаб уч йилдан ошмаслиги лозим. Олинмаётган дивидендлар учун фоизлар ҳисобланмайди ва тўланмайди.

3.6. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра Банк ихтиёрида қолади.

3.7. Банкнинг ўз функциялари қаторида акциядорлар билан ишни ташкил этиш ва олиб боришга масъул бўлган таркибий бўлинмаси Банкнинг Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси билан биргаликда Банк томонидан дивидендларни тўлаш бўйича ушбу Сиёсатда кўзда тутилган барча тадбирларни тайёрлаш, мувофиқлаштириш ва ўтказишни амалга оширади.

3.8. Банкнинг акциялари бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқига Банк акциядорларининг тегишли дивидендлар тўлови ҳақидаги қарор (эълон) қабул қилинувчи умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати тузиладиган санада тузилган рўйхатга киритилган шахслар эга. Дивидендлар олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатини тузиш учун акцияларнинг номинал эгаси, ўзи уларнинг манфаатлари йўлида акцияларга эгалик қилаётган шахслар ҳақидаги маълумотларни тақдим этади. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик чоғида акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатини тузиш муддатини Банкнинг Кенгаши белгилайди.

3.9. Акциялар ҳиссали мулкчиликда бўлган тақдирда, дивиденд акциядорлар ўртасида, мавжуд ҳужжатларга мувофиқ, уларнинг улушига мутаносиб равишда тақсимланади.

3.10. Жисмоний шахсларга – акциядорларга дивидендлар тўлови нақд пул маблағлари билан, нақд пулсиз тартибда ёки почта орқали кўчириш йўли билан амалга оширади.

3.11. Дивидендлар нақд пулсиз тартибда тўланган тақдирда ўзининг банк маълумотларини акциядорлар реестрида ўз вақтида ва тўлиқ фаоллаштириш акциядорнинг – жисмоний шахснинг мажбурияти ҳисобланади.

3.12. Юридик шахслар – акциядорларга дивидендлар тўлаш нақд пулсиз тартибда амалга оширилади. Ўзининг банк маълумотларини акциядорлар

реестрида ўз вақтида ва тўлиқ фаоллаштириш акциядорнинг – юридик шахснинг мажбурияти ҳисобланади.

3.13. Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

3.14. Зарур банк реквизитлари акциядор томонидан реестрга акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати тузиладиган санадан кечикмасдан тақдим этилиши лозим. Зарур банк реквизитлари мавжуд бўлмаган тақдирда бундай акциядорга ўз вақтида тўланмаган дивидендлар учун Банк жавобгар ҳисобланмайди.

3.15. Агар акциядор ўзининг банк реквизитларини ёки дивидендларни ўтказиш манзилини нотўғри кўрсатган бўлса ёки кўрсатиб ўтилган реквизитлар ҳақида Банка хабар бермаган бўлса ёхуд улар ҳақида ўз вақтида хабар қилмаган бўлса, булар туфайли акциядорга етказилган зарарлар учун Банк жавобгар ҳисобланмайди. Ушбу бандда кўрсатилган сабаблар туфайли акциядорнинг айби билан нотўғри ўтказилган дивидендлар суммаси Банка қайтарилгандан сўнг, уларни акциядорга аниқлаштирилган реквизитлар бўйича такрорий ўтказиш уларни қайтариш ва такрорий ўтказиш учун кетган харажатлар ушлаб қолинган ҳолда амалга оширилади.

3.16. Банк акциядорларга ўзларига тегишли акциялар бўйича даромадларни тўлаш чоғида солиқ агенти ҳисобланади ва ҳисобланган дивидендларни тўлашни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ қимматли қоғозлардан олинadиган даромадлар учун ўрнатилган солиқларни ушлаб қолган ҳолда амалга оширади. Ўзига нисбатан солиққа тортишнинг стандарт ставкалари қўлланилмайдиган акциядор, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тасдиқловчи ҳужжатларни Банка тақдим этади. Агар акциядорга нисбатан қўлланиладиган солиқ ставкалари тўғрисидаги маълумотлар Банка унга дивидендлар тўлангандан сўнг келиб тушган бўлса, ортиқча тўланган солиқни қайтариш Банк томонидан амалга оширилмайди.

IV. Эълон қилинган дивидендлар тўлови учун жавобгарлик

4.1. Банк ҳар бир турдаги акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлашга мажбур.

4.2. Дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиш томонидан белгиланган муддатларда Банкнинг айби билан тўланмаган тақдирда тўланмаган дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисоблаб тўланади.

4.3. Банк томонидан ўз мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда, акциядорлар ҳар бир турдаги акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлашни суд тартибида талаб қилишга ҳақли.

4.4. Дивидендлардан солиқ ушлаб қолиш ва ўтказиш юзасидан Банк зиммасига юклатилган солиқ агенти мажбуриятларини бажармаганлик ёки муносиб тарзда бажармаганлик учун Банк Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавоб беради.

V. Дивиденд тўлашда бухгалтерия амалиётлари

5.1. Банк томонидан дивиденд тўлашда бухгалтерия амалиётлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Йўриқномасига (Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 19 январда 1885-сон билан рўйхатдан ўтказилган) асосан амалга оширилади.

5.2. Акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни ҳисоблаш куйидаги ўтказма билан акс эттирилади:

Д-т 31203 – «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)» (йиллик дивидендларни ҳисоблашда);

31206 – «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» (оралиқ дивидендларни ҳисоблашда);

30903 – «Умумий захира фонди» (фойда етмаган имтиёзли акциялар бўйича).

К-т 29822 – «Тўланиши лозим бўлган дивидендлар».

5.3. Акциядорларга дивидендлар тўланганда, куйидаги ўтказма амалга оширилади:

Д-т 29822 – «Тўланиши лозим бўлган дивидендлар».

К-т-10101 – «Айланма кассадаги нақд пуллар» ёки банкининг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи.

5.4. Ҳисобланган дивидендлар қонунчиликда белгиланган тартибда банк устав капиталини оширишга йўналтирилган куйидаги ўтказма амалга оширилади:

Д-т 29822 – «Тўланиши лозим бўлган дивидендлар».

К-т 30315 – «Чиқарилган устав капитали – Имтиёзли» ёки

30318 – «Чиқарилган устав капитали – Оддий» – акциянинг номинал қиймати.

30603 – «Кўшимча капитал» – акция номинал қийматидан юқори сумма.

VI. Яқуний қоидалар

6.1. Ушбу Сиёсат Банк Кенгашининг, унинг мажлисда иштирок этаётган ёки сиртдан овоз беришда иштирок этаётган аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарорига биноан тасдиқланади.

6.2. Мазкур Сиёсатга киритиладиган ўзгартириш ва кўшимчалар Банк Кенгашининг, унинг мажлисда иштирок этаётган ёки сиртдан овоз беришда иштирок этаётган аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарорига биноан тасдиқланади.

6.3. Агар мазкур Сиёсатнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қончилиги билан ва/ёки Банк Устави билан зид келиб қолса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ҳамда Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга

қадар мазкур моддалар билан тартибга солинувчи масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига таяниб иш кўрилади.

6.4. Мазкур Сиёсат рўйхатга олинган кундан кундан бошлаб кўчга киради.

6.5. Ушбу Сиёсат амалга кириши билан 2009 йил 18 сентябрдаги Банк Кенгашининг 45-сон баённомаси билан тасдиқланган Сиёсат (Методология бўлими томонидан 2009 йил 18 сентябрда 133-сон билан рўйхатга олинган) ўз кучини йўқотади.

Кенгаш Раиси:

Ш. Садиков

Кенгаш аъзолари:

О. Умаров

Р. Хайтметов

Р. Мансуров

Н. Хасанов

Ф. Юлдашев

А. Ишанходжаев

Т. Иминов

Т. Тешабаев









Бошқарув Раиси

К. Ирисбекова

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК»
ДИВИДЕНД СИЁСАТИ (янги тахрирда) бўйича

КЕЛИШУВ ВАРАҚАСИ

№	Лавозими	Ф.И.Ш.	Имзо
1.	Бошқарув аъзолари:	Ж.Эгамбердиев	
2.		Х.Рахматов	
3.		Ш.Искандаров	
4.		Н.Насретдинова	
5.		Х.Буронов	
6.		А.Абдухахаров	
7.	Ҳазначилик департаменти бошлиғи	Н.Темиров	
8.	Халқаро иқтисодий муносабатлар департаменти бошлиғи	А.Расулов	
9.	Банк таваккалчиликларини бошқариш бошқармаси бошлиғи	О.Мукумов	
10.	Иқтисодий таҳлил ва стратегик ривожлантириш бошқармаси бошлиғи	С.Ғайбуллоев	

11.	Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни бошқариш маркази бошлиғи	С.Суванов	
12.	Ички аудит бошқармаси бошлиғи	Ш.Тураев	
13.	Ички назорат бошқармаси бошлиғи	У.Набиев	
14.	Методология бўлими бошлиғи	С.Максудова	

Киритди:

Корпоратив бошқарув ва қимматли
қоғозлар бошқармаси бошлиғи



И.Ибрахимов

ЮРИДИК ХУЛОСА

Юридик бошқарма томонидан Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” дивиденд Сиёсати (Янги таҳрирда) лойиҳаси Адлия Вазирлигида 2000 йил 5 апрелда 916-сон билан давлат рўйхатиغا олинган “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомнинг 3.1.бандига мувофиқ ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Ушбу Сиёсат лойиҳаси тегишли бандларига қайта ўзгартиришлар киритилгани ҳолда, янги таҳрирда “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари ва банк Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, банкнинг инвестицион жозибadorлигини ошириш, молиявий барқарорлиги ва капиталлашуви даражасини ўсишини, банк акциядорларининг ҳуқуқлари ва амалдаги қонунчилик доирасидаги қонуний манфаатлари фаровонлигини оширишни таъминлашга қаратилган. Шунингдек, ушбу Сиёсатда банк томонидан олинган фойданинг истеъмол қилинадиган ва акцияларнинг бозор баҳосини ошириш мақсадида капиталлаштириш ўртасидаги нисбатни мақбуллаштиришдан иборатлиги кўзда тутилган.

Мазкур Сиёсат лойиҳаси Адлия Вазирлигида 2000 йил 5 апрелда 916-сон билан давлат рўйхатиغا олинган “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом ва амалдаги қонун ҳужжатлари, АТ “Алоқабанк”нинг ички меъёрий ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Юридик бошқарма
бошлиғи



А.Абдукахаров